



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 42 (11.603)

Баҳоси эркин нархда

МАМЛАКАТИМИЗДА

- Қашқадарёда «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танловининг вилоят босқичи якунланди. Танловда мавжуд 14 та халқ таълими бўлимларидан ўз фанлари бўйича ғолиб бўлган 182 нафар ўқитувчи ғалаба учун кураш олиб борди.
- Ўрта Чирчиқ туманида «Ташаббус-2010» кўрик-танловининг худудий босқичи бўлиб ўтди. Тадбир давомида танлов иштирокчилари — фермер, тадбиркор ва хунармандлар томонидан тайёрланган маҳсулотлар кўргазмаси намойиш этилди.
- Самарқанд шаҳридаги 2-туғруқхона замон талаблари асосида тўла таъмирдан чиқарилганидан сўнг дастлабки кунда бу ерда 18 нафар гўдак дунёга келди.
- Паркент тумани тадбиркорлик ва хизмат кўрсатиш коллежида шоира Зулфия таваллудининг 95 йиллигига бағишланган «Баҳор келди сизни сўроқлаб» номли маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.
- Қарши шаҳрида қад ростлаган «Орзу» савдо мажмуаси кўркамлиги ва ўзига хослиги билан шаҳар хуснига хусн қўшди. Маҳалладаги қаровсиз бино ўрнида савдо мажмуасининг барпо этилиши муносабати билан мингта янги иш ўрни яратилди.
- Хўжаобод туманида 5,1 километр масофага газ қувури тортилиши натижасида Дилқушод ва Қувватмурод қишлоқлари хонадонларига «зангори олов» кириб келди. Шу тарзда тумандаги барча қишлоқлар газ билан тўлиқ таъминланди.
- «Камолот» ЁИХ Пойарик туман кенгаши ташаббуси билан умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида «Аждодлар мероси — келажак пойдевори» кўрик-танловининг туман босқичи ўтказилди.
- Бахмал туманидаги чорвачиликка ихтисослашган «Рўзи бобо» фермер хўжалиги раҳбари Сафарали Маматов ўз маблағи ҳисобига сутни қайта ишлайдиган корхонани ишга туширди. Айни пайтда бу ерда бир ойда 4 тоннагача сут қайта ишланиб, олти хил маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Фермер хўжалиги фаолияти кенгайиши ҳисобига қўшимча 12 та янги иш ўрни яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

А.Р.МАРАҲИМОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИ ЛАВОЗИМИГА ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Аважжон Раҳимович Мараҳимов Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири лавозимига тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2010 йил 2 март

Пойтахтимиздаги
«Ўзэкспомарказ»да III
Республика инновацион
гойлар, технологиялар
ва лойиҳалар ярмаркаси
давом этмоқда.

ИННОВАЦИОН ГОЯЛАР — ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов ташаббуси билан учинчи бор ташкил этилган мазкур тадбирда қатор вазирлик ва идоралар, банклар, турли тармоқ корхоналари, жумладан, хусусий ва қўшма корхоналар, фермер хўжаликлари, Фанлар академияси тизимидаги илмий муассасалар, олий ўқув юрталари, илмий марказлар, тажриба-конструкторлик ташкилотлари иштирок этмоқда.

Иқтисодиёт вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Фанлар академияси, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан ташкил этилган ярмарка Президентимиз Ислам Каримовнинг 2008 йил 15 июлда қабул қилинган «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш доирасида ўтказилмоқда.

Ушбу тадбир мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг яна бир самараси бўлиб, янги гояларни амалиётга татбиқ этиш, илм-фан ва санъатни юксалтириш ва шу орқали ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, валютани тежаш, ички бозорда маҳаллий маҳсулотлар улушини кўпайтириш, илмий муассасалар билан корхоналар ўртасида ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш учун янги имкониятлар очмоқда.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва шу асосда ҳосилдорлиқни кўпайтириш, мелиорация ишларини ташкил қилиш ва молиялаштириш механизмини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 29 октябрда қабул қилинган «Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони муҳим омил бўлаётди.

— Юртимизда қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган изчил ислохотлар самарасида ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини ошириш, қишлоқ хўжалигига замонавий технологияларни жалб этиш борасида юксак натижаларга эришилмоқда, — дейди «Байкал» масъулияти чекланган жамияти бош директори Баҳодир Бойжонов. — Фермерлик ҳаракати дехонларда ерга эгаллик ҳиссини кучайтириш ва ҳосилдорлиқни ошириш баробарида, тупроқнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга ҳам хизмат қилаётди. Биз ушбу ярмаркада таклиф этаётган «Байкал ЭМ1» микробиологик ўғити ер микрофлорасини тўла тиклаш, тупроқ унумдорлигини ошириш, экологик тоза маҳсулотлар етиштириш имконини беради. Шу вақтгача қиймати 500 миллион сўмдан зиёд шартномалар имзоланди.

Мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2002 йил 30 майда қабул қилинган «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги Фармони бу йўналишдаги ислохотларда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

(Давоми 2-бетда).

ҚИСҚА САТРАДАРДА

Тошкент шаҳар
ҳокимлигининг Ахборот
хизмати ва ўз мухбирларимиз
хабарларидан.

✓ **ШАҲРИМИЗДА** Баркамол авлод йили муносабати билан ишбилармон аёллар иштирокида ўтказилган давра суҳбати «Тадбиркор аёллар бугуни, эртаси ва истиқболлари» деб номланди.

✓ **ТОШКЕНТ** Давлат шарқшунослик институти ва Тошкент Темир йўл муҳандислари институти ҳамкорлигида талабалар ўртасида «Баркамол шахс одоби» мавзусида кўрик-танлов ташкил этилди.

✓ **КЕЧА** Чилонзор туманидаги «Дўмбиробод» маҳалласида 8 март — Халқаро хотин-қизлар кўни муносабати билан уюштирилган тадбирда маҳалланинг фаол аёллари ва ўқувчи-қизлар иштирок этишди.

✓ **«СОҒЛОМ ОНА — СОҒЛОМ БОЛА»** дастури доирасида Собир Раҳимов тумани ҳокимлиги хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан «Спорт — гўзаллик рамзи» шиори остида аёллар ўртасида спорт муسابақалари ўтказилмоқда.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



**Айни кунларда
пойтахтимиз
туманларида
Ўзбекистон
Республикаси
Президенти
соврини учун
анъанавий тарзда
ўтказилаётган
«Ташаббус —
2010» кўрик-
танловининг
туман босқичлари
қизгин паллага
кирди. Кеча
«Ташаббус —
2010» кўрик-
танлови
Юнусобод
туманида бўлиб
ўтди.**

«Ташаббус — 2010»

МУВАФФАҚИЯТ ВА ИЗЛАНИШГА ЧОРЛАЙДИ

Туманда фаолият кўрсатаётган тадбиркор ва хунармандлар орасидан танлов шартларига жавоб берувчи иштирокчилар, яъни сараланиш саралари танлаб олинди. Мазкур тадбирда 14 нафар тадбиркор ва 11 нафар хунарманд «Йилнинг энг яхши тадбиркори» ва «Йилнинг энг яхши хунарманди» номинациялари бўйича ғолибликни қўлга киритиш учун ўзаро беллашди.

Тадбиркор ва хунармандларимизни рағбатлантириш, уларни эл-юртга танитиш, янги-янги изланишларга ундаш, кичик ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган мазкур тадбирни Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тош-

кент шаҳар бошқармаси бошлиғи Шавкат Мирзаев очиб, иштирокчиларга омад, хайрат аъзоларига холислик тилади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, туманда бугунги кунда 4 мингта яқин кичик бизнес субъектлари ва хусусий тадбиркорлар фаолият кўрсатмоқда. Уларга ҳар томонлама кўмак беришда Савдо-саноат палатасининг туман филиали ходимлари сидқидилдан меҳнат қилмоқдалар.

— Бугунги кунга келиб филиалимизнинг 300 нафарга яқин аъзолари бор, — дейди Савдо-саноат палатаси туман филиали раҳбари Дилбар Зайнутдинова. — Уларга ҳар томонлама ёрдам бе-

раямиз. Ўтган йилда тадбиркорларимиз сафи 500 нафарга кўпайди. Бу, албатта, мамлакатимизда тадбиркорларга қаратилган катта эътиборнинг самарасидир. Шу ўринда айтиш лозимки, ўтган йилларда вакилларимиз нафақат туман, балки шаҳар ҳамда республика босқичларида ҳам муваффақият қозонишди. Хунарманд Баҳодир Хожиметов, «AZN» масъулияти чекланган жамияти директори Анвар Назиров ана шулар жумласидандир. Жорий йилда иштирокчиларимиз сафи анча кенгайган ва Баркамол авлод йили муносабати билан ёшларимиз кўпчиликини ташкил этмоқда.

(Давоми 2-бетда).

«АТИРГУЛ» ТАНЛОВИНИНГ ҒОЛИБЛАРИ

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Журналистлар ижодий уюشمаси томонидан оммавий ахборот воситаларида фаолият кўрсатаётган хотин-қизлар учун анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Атиргул» танлови ғолибларини тақдирлашга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутatlари, турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюشمаси раиси Шерзод Фуломов, Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида юртимизда хотин-қизларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг давлат ва жамият қурилишидаги фаолигини ошириш, оила, оналик ва болалик манфаатларини муҳофаза қилиш, иқтисодий, ҳуқуқий билимини юксалтириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар ўзининг юк-

сак самараларини бераётганини таъкидладилар.

Бу жиҳатлар миллий матбуотимизни ривожлантиришга доир эзгу ишларда ҳам ўзининг эркин ифодасини топомқда. Оммавий ахборот воситаларида меҳнат қилаётган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, билим ва кўникмаларини янада юксалтириш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар ана шулар жумласидандир. Мазкур йўналишдаги вазифалар ижросини таъминлашда Журналистлар уюشمаси қатор ижодий лойиҳалар, кўрик-танловлар, ўқув семинар-машулотларини мунтазам ташкил этиб келмоқда. Ҳар йили 8 март — Халқаро хотин-қизлар кўни арафасида ўтказилувчи «Атиргул» танлови ана шун-

дай тадбирлар сирасидандир.

Бу йилги танловда телерадиоканаллар, газета ва журналлар, интернет нашрларда меҳнат қилаётган эллик нафардан ортиқ журналист хотин-қиз мамлакатимизда аёлларнинг жамият ҳаётидаги фаоллигини ошириш, оналик ва болалик муҳофазаси, ёшлар маънавиятини юксалтириш, баркамол авлоднинг вояга етказиш мавзусларидаги етти юздан ортиқ ижодий иши билан иштирок этди. Уларнинг ўн икки нафари танловда ғолиб деб топилди.

Ғолибалар орасида Республика Маънавият тарғибот маркази етакчи мутахассиси Дилфуза Абдуллаева, Наманган вилоятидаги «Аёл ва жамият» газетаси муҳбири Шаҳзода Акбарова, «Қашқадарё»

газетаси бўлим муҳаррири Шохиста Бозорова, Қорақалпоғистон телерадиоканали «Мусликий дам олиш ва кинодастурлар» бosh муҳаррири муҳаррири Улболган Еримбетова, «Андижанская правда» газетаси бўлим муҳбири Лариса Калустина, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси «Ешлар студияси» лойиҳаси муҳаррири Назирахон Махсудова, «Паркент тонги» газетаси муҳбири Дилфуза Миробидова, «Саодат» журнали жамоати муҳбири Насиба Ризаева, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎЗА фан, таълим, маданият ва маънавият бўлими муҳбири Назокат Усмонова, «Еш куч» журнали муҳбири Адолат Файзиёва, Хоразм вилоятидаги «Тумарис авлоди» газетаси муҳаррири Шарқия Эшхонова, «Оила ва жамият» газетасининг масъул котиби Дилфуза Кўзиева каби журналистлар бор.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бosh вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Акбарова сўзга чиқди.

(ЎЗА)


ЖАҲОНДА

- Испания махсус хизматлари саъй-ҳаракатлари билан жаҳондаги энг йирик ҳакерлик тармоқларидан бири йўқ қилинди.
- Кеча Аргентина ва Чили давлатлари чегарасида Рихтер шкаласи бўйича 5,2 балли zilзила содир бўлди.
- Кеча жаҳондаги етакчи хом ашё биржаларида ўтказилган савдолар чоғида нефть нархининг кўтарилганлиги қайд этилди.
- Украина давлат статистика қўмитасининг маълумотига қўра, ушбу мамлакатда 2009 йилда ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 15 фоизга қисқарган. Бу Европа мамлакатлари ўртасидаги энг паст кўрсаткичдир.
- Мексиканиннг жануби-шарқий ҳудудидаги Чьяпас штатида автобуснинг ағдарилиб кетиши оқибатида тўққиз киши ҳаётдан қўз юмган, 21 киши жароҳатланган. Жароҳатланганлардан 10 нафарининг аҳоли оғир. Ҳалокат ҳайдовчининг айби билан рўй берганлиги таъкидланмоқда. Ҳайдовчида автобусни бошқаролмади қолган.
- Финляндияда транспорт соҳаси ходимларининг оммавий иш ташлаши бўлиб ўтмоқда.
- Кеча Швейцариянинг Женева шаҳрида халқаро автосалон ўз ишини бошлади. Унда юзлаб янги русумдаги машиналар намойиш этилмоқда. Автосалонга қўйилган аксарият машиналар электромобил ва куёш батареяси билан фойдаланиш орқали ҳаракатланадиган автоуловлардир.
- Дунё олимларининг эксперт гуруҳи Сан-Диего шаҳрида бўлиб ўтган фан тараққиёти бўйича Америка ассоциацияси йигинида 5 мингта янги денгиз жонзотлари ҳақидаги дастлабки маълумотларни эълон қилди. Улар тадқиқ қилган янги жонзотлар орасида шундай мўъжизакор турлари борки, уларнинг организми кимёвий моддалар ишлаб чиқаради. Масалан, булут сув жонивори ишлаб чиқарадиган модданиннг саратон касалликларини даволашда асқотиши маълум бўлди.

МУВАФФАҚИЯТ ВА ИЗЛАНИШГА ЧОРЛАЙДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Кўрик-танлов кўргазмаси диққатимизни тортди: иштирокчиларнинг ютуқлари, келгуси режалари намойиш этилган. Айниқса, ички бозорни



изланаётган «TADBIR», «TERMOTEX», «ZIYNAT TEKSTIL SERVIS» масъулияти чекланган жамиятлари, қандолат ва гўшт маҳсулотлари турини 70 хилдан ошириб, «SHOX» савдо белгиси билан бозорда муносиб ўрни топган «SHOX PRODUCT», эл-юрт соғлиғини муҳофазалада инновация гоёларини тақдим этаётган «A.V.-BIOKOM», импорт ўрнини босувчи товарларни ишлаб чиқараётган «STEKLO PLYUS» корхоналари ҳамда «BILOL POLVON» хусусий фирмаси муваффақиятлари, ёш хунарманд Нигора Пулатова, ёғоч ўймаkori Камолитдин Рахимов, миниатюрчи Шерзод Хожиметовларнинг бетақдор санъат даражасидаги асарлари барчада бирдай қизиқтириш уйғотди.

— Изланиш бор жойда, албатта муваффақият бўлади, — дейди «SHOX PRODUCT» масъулияти чекланган жамияти қандолат маҳсулотлари иш-

лаб чиқариш бўлими бошлиғи Назира Исроилова. — Фаолиятимизга эндигина уч йил бўлсада, ютуқларимиз салмоғи ортиб бормоқда. Корхонамизда 50 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилиб, маҳаллий хом ашёдан 30 хил гўшт, 40 турдаги қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқа-



рамир. Шаҳримизда 2 та фирма дўконимиз ишлаб турибди. Жорий йилда улар сонини тўрттага етказамиз. Бу йили Россиядан келтирилган технологик линия асосида 2 турдаги пишлоқ маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Сифати қафолатланган товарларимизга талаб катта. «Ташаббус»да ўз ташаббусимиз билан биринчи бор иштирок этаётганимиздан мамнунмиз.

Ха, бу ерда барча иштирокчиларнинг дил изҳорларини тинглаш, эзгу мақсадларидан воқиф бўлиш имконияти мавжуд. Уларнинг барчаси иқтисодий ривож, эл-юрт фаровонлиги йўлида меҳнат қилаётганликлари кишини қувонтиради. Энг муҳими — тадбиркор ва хунармандлар имкониятлардан оқилона фойдаланишмоқда.

Нихоят иштирокчилар учун ҳам, уларни қўллаб-қувватлаётган томошабинлар учун ҳам, масъулиятни ҳис этган ҳайъат аъзолари учун ҳам ҳаяжонли дамлар етиб келди. Фолибларни аниқлаш ва тақдирлаш маросими санъаткорларнинг чиқишлари ва қарсақлар билан олқишланди. «Йилнинг энг яхши тадбиркори» йўналиши бўйича 1-ўринни «SHOX PRODUCT» МЧЖ (Н.Исроилова), 2-ўринни «BILOL POLVON» хусусий фирмаси (А.Қосимов), 3-ўринни «TADBIR» МЧЖ (А.Ақбаров), «Йилнинг энг яхши хунарманди» йўналиши бўйича 1-ўрин ёғоч ўймаkori Камолитдин Рахимовга, 2-ўрин миниатюрчи-рассом Шерзод Хожиметовга, 3-ўрин Нигора Пулатовага насиб этди. Баркамол авлод йили муносабати билан «Энг яхши ёш тадбиркор», «Энг яхши ёш тадбиркор аёл», «Энг яхши ёш хунарманд» ва бошқа кўлаб номинация фолиблари аниқланди. Барча совриндорлар ва иштирокчиларга диплом ва эсдалик совғалари тақдим этилди. Бундай беллашув, ўзига хос рағбат иштирокчиларни янги изланишлар сари чорлайди.

Чилонзор, Сергели, Мирзо Улуғбек туманларида ҳам мазкур тадбир муваффақиятли ўтди ва кўрик-танловнинг 1-ўрин соҳиблари шаҳар босқичга йўлланма олишди.

Шарифа ИЛЁСОВА

СУРАТЛАРДА: «Ташаббус — 2010» танловининг Юнусобод тумани босқичи иштирокчилари.

Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар

Таълим

ЁШЛАР ДУНЁҚАРАШИ ШАКЛЛАНАДИ

Истиқлол йилларида ўрта махсус таълим тизимини тубдан ислоҳ этиш, уни замонавий педагогик технологиялар, янгича ўқитиш тизими билан таъминлаш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Бу борада қонунлар, бир қатор давлат дастурлари қабул қилиниб, ҳаётда изчил ўзифодасини топмоқда.

Ўрта махсус таълим даргоҳларининг ўқув дастурларида белгиланган дарс машғулотларидан бири «Пул муомаласи ва кредити» деб номланади. Педагогик фаолиятимиз давомида амин бўлдики, ўқувчиға авваломбор «пул муомаласи» атамасининг асл моҳияти ҳақида теранроқ тушунча бериш керак. Ўқитувчининг бу борадаги юзаки фикрлари ўқувчининг мавзу доирасидаги билиб олишга бўлган чанқоқлиғини қониқтирмаслиғи мумкин.

Дунёнинг йирик иқтисодчилари пул муомаласини барқарорлаштиришнинг классик усулларини таклиф этадилар. Буларга нуллификация, ревальвация, девальвациялар киради. Ҳозирги кунда пул муомаласини барқарорлаштиришнинг энг синалган усули — нуллификация ҳисобланади. Бунда эски, хизматини ўтаб бўлган, қадрсиз пул бирикларидан тамомила воз кечилади ва муомалага янги пул бирликлари киритилади. Иккинчи усул валюта курсининг расмий оширилиши тамомила аксиолярни валюта курсининг пасайтирилиши билан боғлиқ.

Ушбу мавзулар доирасида мулоҳаза юритилаётганида ўқувчиларнинг билим доирасини кенгайтириш учун ўша давр иқтисодий-молиявий жараёнига мос видеолавлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Масаланинг айти шу ҳолати ҳисобга олинганда, ўқувчининг нафақат билими, балки дунёқарашининг шаклланишига ҳам ҳисса қўшган бўламан.

Маълумки, «кредит» атамаси ижтимоий-маънавий ҳаётимизда кейинги 10-15 йил ичида фаоллашди. Ваҳоланки, кредит бозор иқтисодиётига асосланган мамлакатлар иқтисодиётида муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда кўпчилик кредит қарз эканлигини яхши билишди. Кредит муносабатларининг моҳияти шундан иборатки, ҳўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий аҳоли хамма вақт ҳам бирдай бўлавермайди. Айрим субъектларнинг вақтинча бўш бўлган пул маблағлари, товар ресурслари мавжуд бўлган бир пайтда бошқаларнинг уларга эҳтиёжи бор. Дейлик, корхона ўз маҳсулотини сотишдан олган пул маблағларини бирданига сарфлайди. Бу пуллар хом ашё ва материаллар сотиб олгунча, иш ҳақи, мукофотлар тўлангунча қадар маълум вақт давомида бўш туради. Ишлаб чиқариш, фан ва техникани ривожлантиришга мўлжалланган маблағлар ҳам жамғариб борилади. Аҳолининг вақтинча бўш бўлгани учун банкка қўйган жамғармалари ҳам мамлакат миқёсида каттагина маблағларни ташкил этади.

Ўрта махсус таълим даргоҳлари ўқувчиларига мазкур мавзу доирасида билим берилаётганида, кредитнинг муҳим вазифаси инвестиция жараёнларининг фаоллаштирилиши билан боғлиқ эканлиғига эътибор қаратиш лозим. Бундан ташқари, йирик кредит ташкилотлари мутахассислари билан доимий мулоқот, амалий давра суҳбатларини ўқувчиларнинг мавзу доирасидаги фикрлари мустақамлашишида муҳим босқич ҳисобланади.

Хулоса ўрнида шунини айтишимиз мумкинки, педагог доимий изланишда бўлмоғи, фаннинг назарий асосларини яхши билиши билан бир қаторда машғулотларни янги педагогик технологиялар билан бойитиб бормоғи лозим.

Сауле АЛЬНАЗАРОВА,
Тошкент банк ҳисоб-кредит коллежи ўқитувчиси

ИННОВАЦИОН ҒОЯЛАР — ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

нини беради. Ўтган йилги ярмаркада умумий қиймати 500 миллион сўмдан зиёд бир неча шартнома тузган эдик. Ушбу кўрсаткиччи янада ошириш ниятидамыз.

Қайд этиш жоизки, III Республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркаси Ўзбекистонда яратилган энг истиқболли технологиялар билан кенг кўламада танилиш ва уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш имконини бермоқда. Ярмаркада саноат, қишлоқ ҳўжалиғи, соғлиқни сақлаш, фармацев-

тика, ахборот-коммуникация технологиялари, илм-фан ва таълим соҳаларида оид юзлаб янги технология ва ишланмалар намойиш этилаётди. Халқаро талабларга тўлиқ жавоб берадиган, экспортбop ва импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилган ушбу инновацион ғоялар келгусида мамлакатимиз иқтисодиётини янада тараққий эттиришга хизмат қилади.

Мадина УМАРОВА,
Нодира МАНЗУРОВА,
ЎЗА муҳбирлари

нинг аҳамияти, балоғат даври гигиенаси каби мавзулардаги чора-тадбирлар ҳар бир оилада алоҳида ва доимий ўтказилиши керак. Бу борада оила бошлиғига ўз фикр доирасини ўзгартириб, тиббий-ижтимоий ҳолатидаги салбий ўзгаришлар, фақат ўзининг хатти-ҳаракати ва ҳаёт тарзига боғлиқ эканлиги тушунчасини сингдириш лозим. Шундагина у саломатлиги ўз қўлида эканлиғига ишониб, шифокорнинг маслаҳатларини ўз вақтида бажаради ва маслаҳатларга риоя қилишга оиланинг бошқа аъзоларини ҳам ундайди.

Шуни ҳам таъкидлаш керак, соғлом оилани шакллантириш учун тадбирларни аввало оила барпо бўлишидан бошлаш керак. Оила қурмоқчи бўлган йигит ва киз даставвал мустақил ҳаётга жисмоний, руҳий ва тиббий жиҳатдан тайёр бўлиши лозим. Никодан аввалги тиббий кўрикка мажбурий бўлгани учун эмас, онгли равишда, келажақ авлод олдидagi масъулиятини ҳис этган ҳолда ёндашиши зарур. Соғлом фарзанд туғилиши учун аввало икки ўшнинг саломатлиги, оиладаги муҳитнинг барқарорлиғига, ҳар бир ҳомиладарнинг инсталган бўлишига эришиш лозим.

Соғлом оилалар кўпайса, соғлом маҳалла вужудга келади, ўз навбатида, соғлом маҳаллалар бирлашиб, соғлом жамият, баркамол келажақ яралади. Бизнинг келажагимиз — тўлақонли фикрлай оладиган, самарали меҳнат қиладиган, ортидан кўлаб ёшларни эргаштириб, халқимизнинг эзгу орзуларини амалга ошириш йўлида хизмат қиладиган оилаларимиз қўлида.

Бугун буюқ ўзгаришлар, ижтимоий, иқтисодий, тиббий ислохотларнинг тўлиқ бажарилиши арафасида ҳар бир оила аъзосининг саломатлигини, жисмоний чиниқлигини, юксак маънавиятга эга бўлишини тилаб қоламан. Ҳеч бир оилада ногирон бола туғилмасин, фарзандни дунёга келтираётган оналар доимо омон бўлсин.

Абдулло ИБАТОВ,
Тошкент шаҳар Соғлиқни
сақлаш бош бўшқармаси
бошлиғи ўшқармаси

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Ушбу анъанавий ярмарка янги ғоялар билан танилиш ва ўртоқлашиш, уларни амалиётга татбиқ этишда ҳамкорлик қилиш, фикр ва тажриба алмашиш имконини бераётганидан гоёт мамнунмиз, — дейди «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг бош мутахассиси Карим Муллабоев. — Компаниямиз уч йирик лойиҳа билан иштирок этмоқда. Тошкент шаҳар телефон тармоғидаги барча рақамли телефон станцияларини бошқарадиган ягона мониторинг маркази тузиш ниятидамыз. Бу лойиҳанинг афзаллиги шундаки, у станцияларда вужудга келган носозликлар ҳақида тезда хабар топиш ва муаммони қисқа вақтда бартараф этиш имко-

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида мамлакатимиз Президентининг «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустақамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги Қарорлари дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Мазкур қарорлар ижросини таъминлаш мақсадида шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бўшқармаси томонидан туман тиббиёт бирлашмалари ва қатор жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда чора-тадбирлар режаси тузилиб, ҳар бир даҳада туғиш ёшидаги аёлларни диспансеризациядан ўтказиш, болалар, аёллар, ўспирин қизлар саломатлигини мустақамлаш масалалари ўрганиб чиқилди.

Ҳар бир оиланинг ўзига хос вазифалари бор. Асосийларидан бири — бу репродуктивлик, яъни фарзанд кўриш орқали авлодлар давомийлигини, инсоният тарихий-тараққийети таъминлашдир. Оиладаги репродуктив фаолият эр-хотин, қайнона-келин, қайнота-куёв ўртасидаги муносабатларни янада мустақамлайди, қонқариндошлар ичида меҳр-муҳаббат ришталарини қаттиқроқ боғлайди. Халқимиз «Болали уй бозор, боласиз уй мазор» деганидек, болали уйда шоду хуррамлик, тинчлик-осойишталик ҳукм суради. Бундай оиланинг ҳар бир қуни мазмунли, режали ва аниқ мақсадли ўтади.

Аҳил оилада ота-она ва фарзандлар муомаласида ўзаро муносабатлиқ, ҳурмат, эътибор каби ижобий хислатларнинг устунлиги кузатилади. Носоглом оилада эса кундалик жанжаллар, келишмовчиликлар, эъравонлик, менсимаслик (ичкиликбозлик, гиёвандлик) каби ёт иллатларга дуч келинади.

Айтиш жоизки, ҳар бир аёл туғруқдан сўнг 3-5 йилдан кейин галдаги туғруқка жисмонан ва тиббий жиҳатдан тайёр бўлади. Лекин жамиятда шундай оилалар борки, келин ёшлиғида кетма-кет туғиб ол-

син, дея тиббиёт ходимларини таъминлаш мақсадида шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бўшқармаси томонидан туман тиббиёт бирлашмалари ва қатор жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда чора-тадбирлар режаси тузилиб, ҳар бир даҳада туғиш ёшидаги аёлларни диспансеризациядан ўтказиш, болалар, аёллар, ўспирин қизлар саломатлигини мустақамлаш масалалари ўрганиб чиқилди.

Ҳар бир оиланинг ўзига хос вазифалари бор. Асосийларидан бири — бу репродуктивлик, яъни фарзанд кўриш орқали авлодлар давомийлигини, инсоният тарихий-тараққийети таъминлашдир. Оиладаги репродуктив фаолият эр-хотин, қайнона-келин, қайнота-куёв ўртасидаги муносабатларни янада мустақамлайди, қонқариндошлар ичида меҳр-муҳаббат ришталарини қаттиқроқ боғлайди. Халқимиз «Болали уй бозор, боласиз уй мазор» деганидек, болали уйда шоду хуррамлик, тинчлик-осойишталик ҳукм суради. Бундай оиланинг ҳар бир қуни мазмунли, режали ва аниқ мақсадли ўтади.

Аҳил оилада ота-она ва фарзандлар муомаласида ўзаро муносабатлиқ, ҳурмат, эътибор каби ижобий хислатларнинг устунлиги кузатилади. Носоглом оилада эса кундалик жанжаллар, келишмовчиликлар, эъравонлик, менсимаслик (ичкиликбозлик, гиёвандлик) каби ёт иллатларга дуч келинади.

Айтиш жоизки, ҳар бир аёл туғруқдан сўнг 3-5 йилдан кейин галдаги туғруқка жисмонан ва тиббий жиҳатдан тайёр бўлади. Лекин жамиятда шундай оилалар борки, келин ёшлиғида кетма-кет туғиб ол-

Соғлом она — соғлом бола

ПОРЛОҚ КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

камчиликларни бартараф этиш учун тиббиёт ходимлари маҳалла фаоллари билан биргаликда ҳар бир оиланинг тиббий, маънавий, жисмоний онгини оширишга ҳаракат қилиши керак.

Оила шифокорининг асосий фаолияти ҳам аввало оиланинг психоэмоционал, ижтимоий, тиббий ҳолатларини ўрганиб, унинг ҳар бир аъзоси учун индивидуал йўналиш танлаши лозим бўлади.

Танловлар

СИЗ ҚОНУННИ БИЛАСИЗМИ?

Бу жараёнда ёшларнинг қалбига гўдаклик пайтидан барча лаб Ватанга муҳаббат, ўз юртига садоқат туйғулари билан ҳамоҳанг равишда одоб-ахлоқ, қонун-қоидалар ҳақидаги илк тасаввур ва тушунчаларни сингдириш борилиши жамиятда ўз ўрнини топишида муҳим омил ҳисобланади.

Ёшларнинг ҳуқуқий онгини юксалтириш борасида барча ўқув юртиларида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва ҳуқуқ ҳақидаги билимларни сингдириш, ҳуқуққа оид фанлардан имтиҳонлар жорий этиш мақсадга мувофиқдир. Бу борада ёшлар иштирокида турли хил кўрик-танловлар, беллашувлар ўтказиб келинмоқда. Жумладан, «Камолот» ЁИХ шаҳар бўлими Кенгаши, Адлия бўшқармаси Ўрта махсус, касб-хунар таълими бўшқармаси ва Тошкент Давлат юридик институти ҳамкорлигида ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш мақсадида Тошкент Давлат иқтисодиёт университети қошидаги Чилонзор академик лицейининг анжуманлар залида «Сиз қонунни биласизми?» кўрик-танловининг шаҳар босқичи ўтказилди.

Қизиқarli баҳслар яқинида кўра Тошкент юридик коллежининг «Камилот» жамоаси иккинчи ўринни, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети қошидаги академик лицейи жамоаси учинчи ўринни эгаллашди. Ҳамза тумани хотин-қизлар коллежининг «Адолат» жамоаси саҳна кўринишларида барчани лол қолдириб, энг фаол жамоа деб топилган бўлса, барча шартлар бўйича фолибликни қўлга киритган Тошкент ахборот технологиялари касб-хунар коллежининг «Фемид» жамоаси республика миқёсида ўтказиладиган «Сиз қонунни биласизми?» кўрик-танловиға йўлланмани қўлга киритди.

Аброр БЕРДИЕВ,
Адлия бўшқармаси
масъул ходими

2010 йил — Баркамол авлод йили

ЭРТАМИЗ ВОРИСЛАРИГА ГАМХЎРЛИК

Юртимизда ижтимоий ҳолатидан қатъи назар, барча болаларнинг таълим олиши, саломатлигини мустаҳкамлаши, иқтидорини намоён этиши, касб-ҳунар сирларини эгаллаши учун зарур шароит ва имкониятлар яратилган. Маънавий-маърифий, таълим, спорт, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя соҳаларида бу борада амалга оширилаётган ибратли ишлар ўзининг юксак самараларини бермоқда.



Мен бугун баҳорни кўрдим... Бир неча кундан буён қовоғи очилмаётган осмоннинг ҳавойи пўпасасида, дам тиниб, дам шаррос қуюётган ёмғир томчиларида, ҳардамхёвёл даракларнинг ўзларигада англамасиз табассумида, бўғотлар остида қунишиб ўтирган чўчқуларнинг оний тушларида кўрдим баҳорни.

Мен бугун баҳорни кўрдим... Рутубатли ҳавонинг намхуш захрини писанд қилмагандек кўрак тугмаларини ечиб, шаҳдам одимлаётган, юракларидидаги қўр юзларига кўлчан йиғитларнинг ўктам нигоҳларида, илик кунларни кўтиб сабри чидмаган, бир-бирини кўлтиқлаганча ёмғирпўш остида сирли қадам ташлаётган қизлар эгнидаги нафис либосларнинг энгил тебранишида кўрдим баҳорни.

Мен бугун баҳорни кўрдим... Кўчаларда пўртанадек тошиб, шошиб бораётган автолар оқимидан, гўё хўрак отлар уюридан ажралгандек, ажралиб чиққан машина йўл четига оҳиста тўхтаганда, набирасининг ҳажжи кўчаларидан туриб, ҳайдовчи йиғитни алқанганча машинага ўтирган онахонинг нур ёйилиб турган чорасида, димогимга фақат оналардангина тараладиган соғинч бўйи урилганда ва... шундоққина ариқ лабида сачраб чиққан майсаларнинг яшил рўйларида кўрдим баҳорни.

Мен бугун баҳорни кўрдим... У ҳудди уятчан қизалоқлардек бармоғини тишлаганча остонада жиймайиб турибди. Ҳадемай у бўйқизлардек ифор таратиб, юракларини уйнатиб, ақларини уйлатиб, нигоҳларини бўйлаштириб, олпоқ либосларга буржанича ўз намоийлиги бошлайди. Борлиқ уйғонади. Унинг ортидан суқлиб тикилади навқирон терактлар. Толлар шохиларидан поёндозлар тўшайди унинг пойига. Митти офтобчлар — момақаймоқлар чамбараклар тўқийди. Махжун-толларнинг мисрағи хивчинлари умид билан барг чиқаради. Яшарли, янгилашган фасли бошланади. Тиниқиб ухлаган кўртаклар кўз очиб, юз чадилар абри найсонга. Чўчқулик боларилар севги қўшиғини бошлайди. Нам тортиб гўмбалар офтобга елка туриб, рангин капалакларга айланади. Чўмоллар зир югуриб, бир-бирини кўлтиқлайди янги кўз билан. Майсалар сўкса буй чўзади. Мастоно яллижар ифоридан кўк юрғанди тарошланган ариқ лабларига. Кекса туглар юзларига тушган ажинларни унутиб, ёшлигини хотирлайди. Бетийик шабодалар бармоқ теккисиб энтиқарибди дилларни. Офтобнинг заррин нурлари кўзгилларга зафарон ранг беради, ол ранг ато этади ял-ял ёнаётган локказгадоқларга.

Баҳор биз интиқ ва интизор кутган, кўнги-ларга шодумонлик, қалбларга сурур, юракларга

хузур бағишловчи ардоқли байрамимиз — Наврўздан илк мўқда келтиради. Олам янгиланади. Наврўз тўғилиш демакдир, янги кун демак. Абу Райхон Беруний ўзининг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» китобида Наврўзнинг шундай таърифлайди: «Наврўз... қўшиғинг саратон буржиги кириш пайтига тўғри келар эди. Сўнгра у орқага сурилган, баҳорда келадиган бўлди. Энди бутун йил унга хизмат қиладиган бир вақтда, яъни баҳор ёмғирининг биринчи томчиси тушишидан гуллар очилгунча, дараклар гуллашидан мевалари етилгунча, ҳайвонларда то насл вужудга келгунча ва ўсимлик унб бошлашдан тақомиллашгунча давом этадиган вақтда келади. Шунинг учун Наврўз оламнинг бошланиси

лаймиз. Шу юрт фарзанди эканимиздан, халқимизга хос миллий қадрият ва анъаналар нечоғли теран ва сермазмун, маданиятимиз нақадар бой эканидан гурур ва ифтихорга тўламмиз. Дориломон кўнларга этганимиз учун шукроналик ҳисси тошади кўнгиларимизда. Осмонимиз мусаффо. Юртимиз тинч. Иймонимиз бут. Бир дунё орзулар билан эртани кўтиб, келажакка ишониб, тўю-томошлар, фарзандлари қамолини кўриш, Ватан тараққиётига ҳисса қўиш ниятида яшаётган халқимиз Наврўзга пeshвоз чиқади.

Ҳадемай олам яшилликка бурканади. Қизил-кўк чўларий Нурота тоғлари, Адросиёб адирларий Тошкент кўчалари яшил либос кияди ҳадемай.

Тошкент Давлат маданият институти талабалари томонидан тайёрланган спектакллардан саҳналар намоийш этилди.

Мехрибонлик уйи тарбияланувчиларига дарсликлар, ўқув воситалари, бадий адабиётлар, миллий ўйинчоқлардан иборат совғалар топширилди.

Назокат УСМОНОВА, Ўза мухбири

«Наврўз - 2010» БАРКАМОЛ АВЛОД БАҲОРИ



ва яратилишига далил қилинган... Улуғ бобомиз неча юз йиллик тарихга эга қадимги аждодларимиз ўтмишини тадқиқ қилганида битган бу сатрларни. Мана шу гаплардан кейин яна неча юз йиллар ўтиб кетди. Наврўзнинг моҳияти, мазмуни, қадр-қиммати ўша-ўша.

Наврўз — зулмат ва нур тенглашган, қоронғу хотиралар қисқариб, ёруғ умидлар узайган кун. Наврўз — миллий табиатимиз, урф-одат ва анъаналаримизнинг ажралмас бўлаги, энг қадимий ва энг сеvimли байрамимиз.

Наврўз — ўзининг маъно-мазмун ва философия билан ҳаётимизга қў бўлган яшариш ва янгилашни палласи, шарқона янги йилнинг дебонаси.

Баҳор нафақат оламга, балки рўҳимизда янгилашни олиб киради. Дарак новдаларига тириклик суви югургани мисол кўзаларимизга нур, қалбларимизга сурур, билаларимизга қў, юракларимизга муҳаббат олади. Айнан Наврўз фаслида табиатнинг бир бўлаги эканимизни ан-

Осмон варрақлар ва болалар кийқизинга тўлади, қизлар қафтида эзилган ўсимларга камон қошларда қайта жон инеди, фақат ўзларигина ҳис этидиган оризқиб билан довулча тарадилар юкли келинчалар. Қўларидан тасбеҳ, тилларидан шукроналик тушмайдиған отахонлар офтобтой гўшаларда гурунни бошлаб юборадилар. Ёш-яланг, қиз-жувон бог-роғларга, шаффоф шабадалар рақсу само қилаётган кир-адирларга охи-қади. Қозонлар қайнайди. Аскиядан бир-бирига сабоқ бераётган йиғитлар қаҳҳаҳиси, сирли пи-чирлашган қизларнинг шодон кулгуси янғрайди. Дастурхонларга баҳорнинг тансиқ неъматлари, кўк сомсаю сумаларинг тортилади.

Биз юксак технологиялар, глобал ахборот асрида яшяяпмиз. Хар бир кун бир янгилик, бир янгилашни билан бошланади. Мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Бетакор иншоотлар, равон йўллар, кўприклар, замонавий таълим муассасалари, бог ва

боғчалар, хиёбонлар, янги қишлоқлар бунёд этилмоқда. Юртимизнинг турли гўшаларига амалга оширилаётган бундай оламшумул ўзгаришларда тараққиёт, фаровонлик сари дадил одимлаётган халқимизнинг метин иродасини, қалб кўрини, ёшларимизнинг оташ нафасини ҳис қилишимиз мумкин.

Президентимиз ташаббуси билан 2010 йил — Баркамол авлод йили деб эълон қилинди. Давлатимиз раҳбари айтганидек, барча эзгу ниятларимизнинг марказида фарзандларимизнинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳаддан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажакни кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орзуси туради. Айнан мана шундай ҳар томонлама етук авлодга огир синов ва қийинчиликларни енгишга, юксак марраларни эгаллашга қодирдир.

Баркамол авлод орзуси — олиёй орузу. Мамлакатимиз ташлаётган ҳар бир қадам, амалга оширилаётган ҳар бир хўрақ замирида мана шу орузу муқомасам. Ўзбекистон ёшларининг шижоати, ақлу заковати, жисмоний ва маънавий қамолоти, ҳаракат ва интилишлари эзгу мақсадларимизнинг бош омилдир.

Баркамол авлод баҳорига пeshвоз чиқар эканмиз, табиат уйғонишининг ёшлик фасли билан нақадар узвий ва чамбарчас боғлиқлигини ҳис этамиз. Халқимиз бежизга ёшлиқни умр баҳорига менгизмади.

Йилнинг қандай келиши баҳорнинг илк нафасидан маълум бўлгандек, мамлакатимиз келажак, тараққиётни навқирон йиғит-қизларимиз тямсолдида кўришимиз мумкин.

Наврўз нафақат табиатга ошўфталик айёми, балки ризқ-рўз байрами ҳамдир. Азалдан бободехонларимиз Наврўз кўни қўлтамги юмшларга киришганлар. Ерга дон сеиб, ниҳол экишган. Ариқ-зовурларни тозалаб, бог-роғларга шакл беришган. Кўз хирмони баҳорда биланади, деган гап бор. Дарҳақиқат, Наврўз саховатли заминимиз билан, деҳқону соҳибкорларимиз меҳнати билан чамбарчас боғлиқ.

Мен бугун баҳорни кўрдим... Кўкларнинг тансиқ неъматини татиб кўрган болалар шукронасида, момолар «омонлик-сомонлик, ҳеч кўрмайлик ёмонлик» деиз қўяриб суртган бойнечак ифориди, сизу бизга қўвонч, юртимизга қўт-барак, эзгулик тилаб чиққан қўшнинг заррин нурларида кўрдим баҳорни...

Воҳид ЛУҚМОН, Ўза шарҳловчиси



Мен корхонамизда юз берган бахтсиз ҳодиса туфайли 2-гурух ногирони бўлиб қолдим. Бу ҳақда далолатнома тузилди ҳамда туман ижтимоий таъминот бўлиминда менга пенсия тайинланди. Лекин корхонамиз ҳеч қандай ёрдам бергани йўқ. Корхонада 3 ой ишлаганман. Менга ишхонада ногирон бўлиб қолганлигим учун қанча тўлов тўланиши керак?

О.Ҳақбердиев, Бектемир тумани

Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодексининг 189-моддасида иш берувчининг ходим соғлиғига етказилган зарарни тўлаш мажбурияти кўрсатилган. Ходимнинг соғлиғига меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллиғига чалиниши ёки у ўз меҳнат вазибаларини баҳарши билан боғлиқ ҳолда соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши сабабли етказилган зарарни иш берувчи тўлиқ ҳажмда тўлаши шарт. Ходимнинг иш берувчининг ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам меҳнатда майиб бўлиши, шунингдек, иш берувчи томонидан ажратилган транспортда иш жойига келаятган ёки ишдан қайтаётган вақтда шикастланиши натижасида етказилган зарар учун иш берувчи моддий жавобгар бўлади. Тўларини лозим бўлган зарар жабрланувчининг меҳнатда майиб бўлишига қадар олган ўрточа ойлук иш ҳақиға нисбатан фоиз ҳисобида, унинг касбга оид меҳнат қобилиятини йўқотганлик даражасига мувофиқ белгиладиган ҳар ойлук тўловдан, соғлиғига шикаст етиши билан боғлиқ кўшимча харажатларнинг компенсациясидан, шунингдек белгиланган ҳолларда эса, бир йўла бериладиган нафақа тўлашдан иборатдир.

Мехнат Кодексининг 194-моддасида ходимга шикаст етказилганлиги ёки унинг вафоти муносабати билан иш берувчи томонидан бир йўла бериладиган нафақанинг миқдори жамоа шартномасида кўрсатилмаган бўлса ёки бундай шартнома тузилмаган бўлса, иш берувчи билан касабга уюшма кўмитаси ўртасида келишувга биноан белгиланади.

Менга бировнинг машинасини бошқариш учун берилган ишончномада сана кўрсатилмаганлиги боис ИПХ ходими уни ҳақиқий ҳисобламади. Шу тўғрими?

Б.Асроров, Ҳамза тумани

Йўл-патруль хизмати ходими ҳақ, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 139-моддасида ишончноманинг кўпи билан уч йил муддатга берилиши белгиланган. Агар ишончномада муддат кўрсатилган бўлмаса, у берилган кундан бошлаб бир йил мобайнида ўз кўчини сақлайди. Берилган кўни кўрсатилмаган ишончнома ҳақиқий эмас.

Нотариус томонидан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикасидан ташқарида харакатларни амалга оширишга мўлжалланган, амал қилиш муддати кўрсатилмаган ишончнома уни берган шахс томонидан бекор қилинганча ўз кўчини сақлайди.

Ушбу саволларга Тошкент шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар Омина Ачилова ва Зулайхо Ибрагимовалар жавоб беришди.

Гаровга қўйилган мулк ташунчаси ва қабул қилиш тартиби ҳақида маълумот берсангиз.

И.Тўлаганова, Чилонзор тумани

Гаров айбланувчи, судланувчи, уларнинг қариндошлари, бошқа фуқаролар, юридик шахслар томонидан дастлабки тергов органи ёки суднинг депозит ҳисоб варигага топшириладиган пул маблағи ёки қимматбаҳо буюмлардан иборатдир. Гаров тарикасида кўчмас мулк ҳам қабул қилиниши мумкин.

Гаровни қабул қилиш ҳақида суриштирувчи, терговчи, прокурор баённома тузади, суд эса суд мажлиси баённомасига тегишлилик ёзиб қўяди. Баённомада айбланувчиға, судланувчиға унинг ушбу Кодекснинг 46-моддасида кўрсатилган мажбуриятлари тушунтирилганлиги ва бу мажбуриятларни бузмасликка у сўз берганлиги, гаровга қўювчиға эса, айбланувчи, судланувчи мажбуриятларни баҳармаган тақдирда гаровга қўйилганларидан маҳрум бўлиши маълум қилингани кўрсатилиши лозим. Баённома гаровни қабул қилган мансабдор шахс, гаровга қўювчи ва айбланувчи, судланувчи томонидан имзоланади.

Гаров суммаси энг кам ойлук иш ҳақининг йиғирма бараваридан оз бўлиши мумкин эмас ва уни суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд айбловнинг огирлигини, айбланувчининг, судланувчининг ва гаровга қўювчининг шахсини, гаровга қўювчининг мулкый аҳолини ва унинг айбланувчи билан муносабатларини эътиборга олиб белгилайди.

Гаровни топшириш вақтида, гаровга қўювчи шу эҳтиёт чораси танланган ишининг моҳияти, айбланувчиға, судланувчиға тайинланиши мумкин бўлган жазо ва ўзининг жавобгарлиги тўғрисида хабардор қилиниши лозим. У ўзининг жавобгарлиги тўғрисида гаровнинг давлат фойдасига ўтиб кетиши учун сабаб бўладиган асослар келиб чиққунга қадар воз кечиши мумкин.

Эҳтиёт чорасини ўзгартириш уни танлаш шартшароитлари бузилганлиги туфайли рўй бераётган бўлса, шунингдек иш бўйича иш юритиш тугатилган ҳолларда ёхуд суд ҳукми қучга кириши муносабати билан гаровга қўювчиға қайтарилади. Айбланувчи, судланувчи зиммасига олган мажбуриятларини бузган тақдирда гаров суд ажрими билан давлат фойдасига ўтказилади ва айбланувчиға, судланувчиға нисбатан жиддийроқ эҳтиёт чораси қўлланилади.

Васила КАРИМОВА, Сайёра МАДАЛИЕВА, Чилонзор тумани давлат нотариал идоралари мутахассислари

Тадбирлар МУШОҲАДА ЮРИТИШГА ЧОРЛАДИ

Ёшларимиз ҳаётига тўғаноқ бўлувчи зарарли ва ёт юзлар, уларни йўлдан оздирувчи турли иллатларнинг олдини олиш, уларга қарши курашиш ва бартараф этиш юзасидан ўтказилаётган чоратадбирларнинг аҳамияти каттадир.

Энг муҳими, шундай иллатлардан кўз юмиб ўтиш англаб бўлмас катта хато эканлигини унутмаслигимиз лозим.

Жойларда бу борада ташкил этилаётган қатор маънавий-маърифий тадбирлар ўз амалий таъсири билан ёшларимизга ибрат бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Жумладан, «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида ҳам бу борада турил-туман тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

«Ёшлар орасида наркотик моддаларнинг тарқатилишига қарши кураш» ойлги доирасида ўтказилган «Биз соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз» мавзусидаги давра сўхбати ва гивёанд моддаларнинг зарарли оқибатларига бағишланган видеолава йиғилганлар диққат-эътиборини тортиб, ёшларни чўқур мушоҳада юритишга чорлади.

Ёшлар тарбиясини мустаҳкамлаш, уларнинг маънавий саводхонлигини ошириш ҳамда жамиятга соғлом турмуш тарзини қарор топтириш юзасидан ўтказилаётган бундай тадбирлар келгуси авлодни ҳар қандай жирканч иллатлардан асраш, маънан етук ва жисмонан баркамол бўлиб воға етишларида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Давра сўхбати қўллаб тортишув ва бахсмунозараларга уланиб кетди. (Ўз мухбиримиз)

Ҳукм ўқилди СЎНГИ ПУШАЙМОН

Инсон қилган ҳатолардан тўғри хулоса чиқармас экан, қайта-қайта адашаверади. Дониёр Хонкелдиев (мақоладаги исм-шарифлар ўзгартрилди) ана шундай кишилардан бири. У муқаддам бир неча бор судланган, амнистия муносабати билан жазодан ҳам озод қилинган.

Бу эса кимгадир ибрат бўлгулик, ҳаёт синовлари, машаққатларига кўзни каттароқ очиб қарашга сабабдир. Аммо Д.Хонкелдиев бу гал ҳам

тўғри йўлни танламади, унинг бу галги жинояти спиртли ичимликни меъёридан ортиқ истеъмол қилиш билан боғлиқ бўлди.

... Дониёр уйига келгунига қадар 2 шиша спиртли ичимлик истеъмол қилди. Бу ҳам камлик қилгандай, кечки дастурхон атрофида яна 100 грамм ароқ ичди. Уйдаги доимий йўқчилик, топшутушининг бир маромда эмаслиги Малоҳатнинг тинкансини қуритганди. Ахир у ҳам одамларга ўшаб яшасам дер, рўзгори бут, еб-ичишдан қамми бўлмаган яқинларига ҳаваси келарди.

— Сиз ҳам бир кун одамга ўшаб ичмай келсангиз бўларди-ку?! — деди у эрининг сархуш сузалаётган кўзларига нафрат-ла боқаркан.

мушт столга келиб урилди. Ота-онанинг доимий жанжалдан юрак олдириб қўйган болалар йирткич қаҳридан қўрққан қўнлардек елка қисиди. — Яна бир оғиз гапирсанг, тилингни суғуриб оламан!

— Гапираман, гапиравераман! Нима қиласиз? Ўлдирасизми? Мана, ўлдир қолинг...

Дониёр хотинининг тақдир маломатларидан қовжираб қолган нимжон жуссаси узра мушт дўлайтирди, уни ўлдириб қўйса, болалари онасиз қолишидан, ўзи эса узанини йўқотган дарёдек саросар кезинишдан ҳайқиди. Дониёрнинг мушт қўллари ғазаб ва аянчининг мангу тисмоли мисоли ҳавода муаллақ осилиб қолди.

— Нега қаққайиб турибсиз? Урмайсизми?

— Э-эй... Оёқлари ўзига бўйсунмасди, ташқарига юғуриб чиқди. Юзига кечқурунги салқиннинг муздек эпкинни урилувди, юрагида қайнаб турган оловли харорат тафти андак сўнгандай бўлди. Бироқ хотинининг захри-олуд гаплари қалбига наштадек қадаллаверди. Дониёр ўзини пайларда ўша захар-заққулни чиқариб ташлашга

ўғирмагандир? Эҳтимол, тақдирнинг унга ҳозирлаб қўйган тўғриси бордир? Дониёр гандирақлаган қўйи кўча бўйлаб бораркан, шулар ҳақда ўйларди.

Кўча юзида озиқ-овқат дўкон бор эди. Вақт тундан ўтган. Дониёр унинг эшиги олдида хиёл туриб қолди, кулф турумидан тортиди. У бундай бўлишини кутмаганди. Кулф оёғи

Аниқланган текширувлар натижасида айбланувчи Д.Хонкелдиев Яқкасарой тумани ҳудудида жойлашган Кичик Бешёғоч ва Шамсиддин Кулол кўчалари кесишган чорраҳадаги озиқ-овқат дўконда, эшикни бузиб кириш йўли билан ғайриқонуний тарзда жиноят содир этган. Бу қонунбузарлик туфайли 300 миңг

«Pentium-4» русумидаги компьютер, 100 миңг сўмлик электрон торози, 50 миңг сўмлик «Perfektum mobile» уяли алоқа компаниясига уланган телефон аппарати, 200 миңг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари кўринишида дўкон эгаси А.Сафаровга 650 миңг сўм миқдорда моддий зарар етказилди.

Одил судлов ушбу жиноят тафсилотларини ўрганиб чиқди. Д.Хонкелдиев Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан айбдор деб топилди, унга ҳар ойлук иш ҳақининг 30 фоизи давлат фойдасига ушлаб қолганини ҳолда 3 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

Ҳамро БЕРДИҚИЛЧЕВ, Яқкасарой тумани жиноят ишлари бўйича суди судьяси Хидирали ПАНЖИЕВ

Танловлар

БИР ҚЎШИҚ ХУМОРИ

Баркамол авлод йили муносабати билан Тошкент Темир йўл муҳандислари институтида танловлар, давра суҳбатлари, турли хил тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Яқинда уюштирилган «Бир қўшиқ хумори» деб номланган танлов ҳам кўтаринки кайфиятда ўтди.

Шеърят ва мусиқа азалдан бири-бири билан эгизакдир. Яхши шеър оҳанглар парвозига қанот бахш этса, жозибали куй қалбларни ром этади. Мафтункор оҳанг ва гўзал шеър таъсирида қалбнигиз ҳаяжонга тўлиб, дилларга завқ-шавқ, маънавий кудрат сингади. «Бир қўшиқ хумори» танловида иштирок этганлар ана шу туйғуни хис қилдилар, десак муболаға бўлмайди. Талабалар мумтоз адабиётимиз намоёндаларидан Огаҳийнинг «Устина» номли газалига ижодий иш ёзиш ва газални бадиий ўқиш ёки қўшиқ қилиб ижро этиш каби шартлар

асосида ўзаро беллашдилар. 15 нафар иштирокчи ҳар томонлама иқтидорлари, билим ва маҳоратини намойён этиб, йиғилганлар олқишига сазовор бўлди. Айниқса иқтисодиёт факультетининг 2-босқич талабаси Жавлонбек Файзуллаев «Устина» қўшиғини катта маҳорат билан ижро этиб, барчанинг диққатини ўзига тортди.

— Баркамол авлод тарбиясида кадрятларимизга муносабат масаласи муҳим мезон ҳисоблана-



ди. Ушбу танловнинг асл мақсади ҳам қалбда миллий қўшиқчилигимизга меҳр уйғотиш, мумтоз қўшиқларнинг мазмун-моҳиятини англаш, санъатга қизиқишни оширишдан иборат, — дейди институт Маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи Баҳром Жуманиёзов. — Маълумки, Огаҳийнинг «Устина»

газали Комилжон Отаниёзов, Олмадон Ҳайитова, Султонпошша Удаева, Гулбахор Эрқулова каби таниқли санъаткорлар томонидан маҳорат билан ижро этилган ва бу оҳанглар ҳамон қўшиқсеварлар учун илҳом манбаи ҳисобланади. Бугунги кунда янги номлар, ёш иқтидорлар кашф этилмоқда.

Танлов иштирокчиларининг ҳар бир чиқишлари муносиб баҳоланди. Институт касба уюшмаси томонидан совғалар билан тақдирланди.

Дилором ИКРОМОВА СУРАТЛАРДА: танловдан лавҳалар



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БҮСТОНИ

ЁКИМЛИ ИШЛАР ҲАҚИДА
Ҳар кишиким, аҳли иймондур, билинг, Тўрт ишни жаҳд ила айлаб қилинг.

Авалло ўзни ҳасаддин асрагил, Токи андин ўзни мўъмин чоғлагил.

Бўлсанг ул ёлгон гийбатдин йирок, Бўлгасен албатта лаънатдин йирок.

Сақласа ҳар ким ҳаромдин курсоғин, Бўлмағай икки жаҳон ҳаргиз лаъин.

Ул кишини ботини гар покдур, Рухи онинг лойиқи даргоҳдур.

Гар риё бирла киши тоат қилур, Бегумон Тангри анга лаънат қилур.

Ҳар кишини ботини гар пок эмас, Билки руҳи лойиқи афлок эмас.

Ўзини билган ўзин хор айламас, Жондорийларни озор айламас.

Ҳар кишиким, аҳли сидқ Сиддиқ бўлур, Ҳар кишиким, аҳли жаҳл зиндиқ бўлур.

ЯХШИ ВА ЁМОН НАСИҲАТИ

Ғофил ўлма, эй куюшим, бу жаҳон, Етмағай ҳар дам санга андақ зиён.

Ҳар кишини тоати бисёрдур, Ризқи рўзиси ани бисёрдур.

Ҳар кишиким, фисқ ила исён қилур, Бегумон ризқи ани нуқсон қилур.

Ростгўй икки жаҳон эҳсон топар, Би-лаҳир албатта ул иймон топар.

Бўлмағай ёлгончи лаънатдин халос, Бўлмағай ёлгончи кулфатдин халос.

Ким пешоб айлар, бараҳна ҳам ётур, Қасд ила ўзни шаётинга қотур.

Ҳар жанобатда ема ҳаргиз таом, Ким еса мақсуди қолғай нотаом.

Ташлама нон резасини зерипой, Бўлгусен албатта охир ҳой-вой.

Ҳар киши гар бўлса доим беҳабар, Тушгай охир бўйнига занжирлар.

Бўсагани устида ўлтурмаги, Бўлгусидур кимки ўлтурса ҳақир.

Тикмагил эгнингни танда тургузуб, Қил насиҳат халқни ўлтургузуб.

Сурмагил зинҳор этак бирла юз, Дину миллатни, куюшим, яхши туз.

Пуф қилиб ҳар ким чирогни ўчирур, Қасд ила ул аҳлу хушин кўчирур.

(Давоми бор)

Маҳмуд ҲАСАНИЙ ва Мавжуда РАЗЗОКОВА тайёрлаган

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси жамоаси Сергели туман ФХДБ бўлими мудираси **Арафат Тохировна РУСТАМОВА**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси жамоаси Тошкент шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус **Азиз Таждживич НИЗАМОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Давлат ўрмон хўжалиги жамоаси Ходимлар билан ишлаш бўлими бошлиғи Муяссар Абукадировна Ураловага волидаи мухтарамаси **САНОАТ** аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Спорт янгиликлари

ТЕННИСЧИМИЗ — ФИНАЛДА

Бангладешда теннис бўйича ўсмилар ўртасида ўтказилаётган Халқаро теннис федерацияси (ITF) мусобақалари тақвимида жой олган халқаро турнирда юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган Сабина Шарипова бош совринга даъвогарлик қилмоқда.

Ўн олти ёшли теннисчимиз ўндан зиёд мамлакат вакиллари орасидан яққалик беллашувларида финалга чиқди. Саралаш учрашувларидан муваффақиятли ўтган ҳамюртимиз ярим финалда Хорватиядан келган Донна Векичга

қарши беллашуви 7:6, 6:2 ҳисобида ўз фойдасига ҳал қилди.

Энди С.Шарипова финалда Хитой Тайпейи вакиласи Хуа Чен Лиға қарши кортага чиқади.

ДИПЛОМАТЛАРНИНГ ШАХМАТ МУСОБАҚАСИ

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Қабуллар уйида мамлакатимизда аккредитация қилинган дипломатик корпус, халқаро ташкилотлар ваколатхоналари, хорижий фирма ва компаниялар вакиллари ўртасида анъанавий шахмат турнири бўлиб ўтди.

ларини оммалаштириш борасида олиб борилаётган кенг қўламли ишлар юксак самаралар бераёттир, — деди Туркманistonнинг мамлакатимиздаги Фавкуллода ва мухтор элчиси С.Пирмухамедов. — Дипломатик корпус вакиллари ўртасида ўтказиб келинаётган анъанавий шахмат беллашуви дўстона рўҳда ўтди. Бу турнир Ўзбекистонда фаолият юритаётган дипломатлар ўртасида, айна пайтда улар вакили бўлган мамлакатлар ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришга хизмат қилади.

(ЎЗА)

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси охири бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига **Ҳамза тумани СИБ томонидан**, Ҳамза т., Мўйнок кўчаси 241-уйда сақланаётган қуйдаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. «Нексия» русумли, д/р 01М859ВА бўлган, 2009 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 16 164 519 сўм (ижро ҳужжати 24.08.09й. №24323/08). 2. «Матиз» русумли, д/р 30L9515 бўлган, 2004 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 27.08.09й. №22847/08). Бошланғич баҳоси — 8 268 000 сўм. 3. «Камаз-5320» русумли, д/р 17М5325 бўлган, 1987 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 15.12.09й. №28273/08). Бошланғич баҳоси — 27 580 000 сўм. 4. «Матиз» русумли, д/р 30L7191 бўлган, 2004 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 18.11.09й. №27020/08). Бошланғич баҳоси — 7 555 980 сўм.

Аукцион савдоси 2010 йил 6 апрель кuni соат 11:00да бўлиб ўтади. Талабгорлар диққатига! Юқоридеги мол-мулклар 2010 йил 6 апрелдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, мазкур мол-мулкларни сотиш юзасидан такрорий аукцион савдоси 2010 йилнинг 20 апрель кuni бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аукцион савдоси юзасидан барча маълумотларни 228-79-52 телефон рақами ёки биржанинг www.rkmb.uz расмий вебсайти орқали олишингиз мумкин.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон ф-даги қуйдаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850. Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов т., 1-Қорақамиш, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz.

Диққат! Республика Кўчмас мулк биржаси ва унинг ҳудудий филиаллари бюджет ташкилотлари ҳамда давлат унитар корхоналари мол-мулкларининг оммавий савдоларини ташкил этишини алоҳида маълум қилади. Оммавий савдолар мулк эгасининг ихтиёрига кўра бевосита жойларга чиқиб ўтказилиши мумкин.

Туйғулар

СЕН ШУНДАЙ КЎРКАМСАН, КЎКЛАМОЙ ФАСЛИМ

Яна келдинг, баҳорим, гулблар селиб, борлиқа ажиб буй ифтор таратиб, осмонингда кўёш юзин яширар, ёмғирлар ёғади дилга хуш ёқиб. Атрофга таралар насимлар иси, далаларда майса уна бошлайди, бойчечак уйқудан турган маҳали, офтоб уни эркалаб, зарин сочади.

Баҳорим, мен сени соғинганим рост. Хушбўй нафасларинг кўнглим очади, юракда гурборлар захрини қовиб, энг гўзал манзара буй кўрсатади.

Сен шундай азизсан, мукаррам фаслим. Бағрингда ниш урар кўклар нафаси, тегрангда чарх

уриб, айланар бугун баҳорнинг эркатой қалдиригоч қуши. Осмонлари шаффоф, сувлари зилол, болларда жаннат гуллари бисёр, ой ҳам эгилди мисоли ҳилол, қараган одамнинг учади хуши.

Гулу районларнинг муаттар ҳиди борлиққа мушк-анбар бўлиб таралар, ёш қизлар сочига таққан гулчамбар кекса момоларга кўп хуш ёқар. Наврўзи оламда пишган сумалак таъмини тортгани келим ҳориклик дейди: «Қани эди бир марта бўлса ҳам, юртимда дошқозонда пиша сумалак ва қизлар сочларига тақса жамалак...»

Наврўзи олами улуг бир бай-

рам, эътиқод нуридан диллар шод булар, мурувват қилганда саҳий инсонлар, кўнгли яримларнинг қалби ёришар. Уруғ қадамочука шошган дехқоним, ҳосилинг мўл бўлсин, ризқимиз бутун, пешона терингла қилган меҳнатин роҳатини кўрсин эгу улусинг. Сен шундай кўркамсан, кўкломой фасл, ҳар бир гўзал кўнунг юракка татир.

Ҳам кўнглига мадор, ҳам танга қувват, юракни титратган эркатой фаслим, не-не санамларнинг дилига ўт ёққан, сеҳру синоатга бурканган фаслим. Онам сени севиб куттувчи эди, райхонидини кўзга суртувчи эди, шундай дорилмомон кунга етдик деб, минг бора шуқроналар айттувчи эди. Бугун ўша калом меннинг тилимда, онам ўғитлари сеҳри дилимда, минг бора бўлса ҳам айтаман такрор: ўлкама хуш келдинг, фасли навбахор.

Гулчехра ДУРДИЕВА

ҲУРМАТЛИ ТОШКЕНТ ШАҲРИ ТАДБИРКОРЛАРИ!

Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси экология масалалари бўйича тадбиркорлик субъектлари учун ҳар ойнинг учинчи ўн кунлигида «Очиқ эшиклар кuni» ўтказилаётганлигини маълум қилади.

Ўзингизни қизиқтираётган масалалар бўйича 277-00-86, 277-75-43 рақамли «Ишонч телефонлари» орқали жавоблар олишингиз мумкин.



Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Ёълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39. Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563 ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатта олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4721 нускада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. «Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.